



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 162 (12.723)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН —
ХИТОЙ:

СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИНГ ЯНГИ ҚИРРАЛАРИ

Бугун Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ислам Каримовнинг Хитой
Халқ Республикасига давлат ташрифи
бошланади.

Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги икки томонлама муносабатлар ривожига 1991 йилнинг 27 декабрида асос солинган — шу кун Хитой Ўзбекистон мустақиллигини тан олган. Дипломатия муносабатлари эса 1992 йил 2 январь кун янги ўрнатилган эди. Ўтган йиллар давомида сиёсий, савдо-иқтисодий, кредит-молия ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликнинг ўсувчанлиги билан Ўзбекистон — Хитой шериклиги ажралаб турди.

Замонавий босқичда барча соҳалардаги алоқаларни қамраб олган Ўзбекистон — Хитой ҳамкорлиги дўстона ва ўзаро манфаатли муносабатлар хусусиятини касб этган. Икки давлат раҳбарларининг ўзаро ишончга асосланган муносабатлари бунга пойдевор бўлиб келмоқда. Мунтазам тус олган олий даражадаги, жумладан, халқаро ва минтақавий тузилмаларнинг саммитлари доирасидаги ташрифлар ҳамда учрашувлар бу фикрнинг тасдиғидир.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил июнь ойида Хитойга буюрган расмий ташрифи икки томонлама алоқалар тарихида муҳим воқеа бўлиб, у Ўзбекистон — Хитой муносабатларида ўтган йиллар давомида эришилган эътиборга сазовор барча муваффақиятларни нафақат мустаҳкамлади, балки ўзаро алоқаларни стратегик муносабатлар даражасига олиб чиқди. Икки давлат раҳбарлари томонидан ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги йўналишлари белгиланган. Стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларациянинг имзоланиши эса мазкур ташрифнинг энг муҳим махсуси бўлди.

ХХР Раиси Си Цзиньпиннинг 2013 йил сентябрь ойида Ўзбекистонга буюрган давлат ташрифи мамлакатларимиз ҳамкорлиги пойдеворининг мустаҳкамланишига хизмат қилди. Ташриф чоғида «Стратегик шерикликнинг икки томонлама муносабатларини янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш тўғрисида»ги Қўшма декларация ҳамда «Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида»ги шартнома имзоланди.

Икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг тизимли ривожланишида ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Хитой ҳукуматлараро қўмитаси муҳим ўрин тутди. Унинг иккинчи йиғилиши 2013 йил октябрь ойида Тошкентда бўлиб ўтди. Мазкур тузилма доирасида савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар, хавфсизлик, энергетика, транспорт, илм-фан ва техника, қишлоқ хўжалиги соҳаларида ихтисослашган кичик қўмиталарнинг учрашувлари ўтказиб келинмоқда.

Сўнгги йилларда икки мамлакат парламентлари ҳам фаол ҳамкорлик олиб бормоқда, махсус делегацияларнинг ўзаро ташрифлари амалга оширилмоқда, турли учрашувлар ўтказилмоқда. 2011 йил сентябрь ойида Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши Доимий қўмитаси раиси У Бангонинг ташрифи якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши Доимий қўмитаси ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги Меморандум имзолангани муҳим воқеа бўлди.

Ҳукумат делегациялари даражасидаги ўзаро ташрифларнинг сони тобора ортиб бормоқда. 2007 — 2013 йиллар мобайнида ХХР Давлат кенгаши вазирлари Вэнь Цзябао ва Ли Кэцян, Давлат кенгаши вазири ўринбосари Хуэй Ляньюй, жамоат хавфсизлиги вазири Мэн Цзяньчжу, таъқи ишлар вазири Ян Цзечи ва Ван И, молия вазири Се Сючжэнь ҳамда бошқалар юртимизга ташриф буюрди.

Ҳозирги пайтда ҳар икки давлат халқаро майдонда, жумладан, БМТ ва бошқа нуфузли халқаро тузилмалар доирасида сиёсий жиҳатдан бир-бирини ўзаро қўллаб-қувватламоқда. Хитой ҳамisha Ўзбекистон танлаган тараққиёт йўлини қўллаб-қувватлаган. Ўз навбатида, Хитой раҳбариятининг чуқур ўйланган ва вазмин сиёсий йўли, унинг ягона Хитой масаласи бўйича қатъий сиёсати, «уч оғат» — терроризм, экстремизм ва айирмачиликка қарши олиб бораётган мurosасиз кураши Ўзбекистонда юқори баҳоланади.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги алоқалар икки томонлама муносабатларнинг муҳим қирраси ҳисобланади. Ўзбекистон ва Хитой ШХТ муваффақиятли ривожланишига ҳамда унинг ишида фаол қатнашишга алоҳида аҳамият беради. Мазкур ташкилот доирасидаги ўзаро ҳамкорлик бугунги кунда минтақада ва умуман, дунёда барқарорлик ҳамда хавфсизликни мустаҳкамлашда муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда.

(Давоми 2-бетда)



ПОЙТАХТНИНГ

БИР
КУНИ



Ватанимизнинг ҳар бир шаҳри, туманида
Истиқлол айёми, Энг улуг, энг азиз байрамимизга
катта тайёргарлик кўрилмоқда. «Ёшлик» талабалар
шаҳарчасида ҳам байрамга тайёргарлик ишлари
қизғин паллага кирган.

«ЁШЛИК» ТАЛАБАЛАР ШАҲАРЧАСИ: БАРКАМОЛ АВЛОД КЕЛАЖАГИ ЙЎЛИДА

Орзулар шаҳри деб номланувчи ушбу шаҳарчада билимга чанқок, изланувчан, ўз фикрига эга мард ва жасур ўғлонларни, ибодли ва ҳаёли ўзбек қизларини учратасиз. Шунингдек, шаҳарчада илиқлик ва самимийлик туйғуси кезиб юрганини ҳис қиласиз. Мустақиллик шарофати туфайли кўркак-кўрк қўшилиб, чирой очиб бораётган ушбу гўшада турли миллат ва элат вакиллари фарзандлари бир оиладек иноқликда ва ҳамжиҳатликда истиқомат қилиб замонавий илм асосларини эгалламоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси мустақил маъмурий ҳудуд сифатида ташкил топди. Ҳудуднинг майдони 658 гектардан иборат бўлиб, 9 та маҳалладан ташкил топган. Шаҳарча ҳудудида 20 та таълим муассасалари жойлашган бўлиб, республикамизда энг нуфузли Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий ҳамда Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университети, Тошкент Тиббиёт академияси, Тошкентдаги Турин Политехника университети ҳузуридаги академик лицей ҳамда Тошкент маданияти, Тошкент хизмат кўрсатиш ва сервис, Олмазор политехника, Олмазор тиббиёт коллежлари, Глиэр номидаги Республика ихтисослашган мусика академик лицейи ва юқорида номлари келтирилган таълим муассасаларининг

академик лицейлари ҳамда бир нечта малага ошириш институтлари фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон Давлат санъат, Тошкент Молия институтлари талабалар турар жойи жойлашган.

Шаҳарча ҳудудидаги таълим муассасаларида 41 мингга яқин талаба-ўқувчилар таълим оладилар.

Маҳаллаларда истиқомат қилаётган аҳолининг аксарият қисми Тошкент шаҳридаги олий ва ўрта махсус таълим ҳамда тиббиёт муассасаларида таълим берувчи ва хизмат қилувчи ходимлардир.

Шаҳарча ҳудудидаги олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида 5309 профессор-ўқитувчилар, улардан 24 та академик, 323 та профессор, 452 та фан докторлари, 776 та доцент ва 1256 та фан номзодлари ҳамда 2478 нафар ўқитувчилар, 8000 га яқин ишчи-ҳодимлар фаолият кўрсатмоқда.

Шаҳарча ҳудудида Тиббиёт академияси қошидаги 1 ва 2-сонли Республика шифохоналари, Республика урология маркази, Республика кўз касалликлари шифохонаси ва кўпалаб тиббиёт муассасалари жойлашган. Бир сўз билан айтганда, «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси республикамизда энг йирик кадрлар тайёрланадиган ҳам илмий, ҳам тиббиёт марказидир.

(«Ёшлик» талабалар шаҳарчасига бағишланган материаллар билан газетанинг 2-саҳифасида танишасиз)

ГЕОЛОГИЯ СОҲАСИДАГИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Тошкентдаги «Пойтахт» бизнес марказида 18 август кун «Ўзбекистон геология соҳаси самарали ривожлантиришда фан ва амалиёт интеграцияси» мавзусида халқаро илмий-технавий конференция бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, Минерал ресурслар илмий-тадқиқот институти ҳамда Гидрогеология ва муҳандислик геологияси институти давлат қорхоналари томонидан ташкил этилган мазкур анжуманда мамлакатимиздан ва хорижий икки юздан зиёд олим ва мутахассислар, экспертлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси раиси ўринбосари А.Мавлонов, Минерал ресурслар илмий-тадқиқот институти давлат қорхонаси директори М.Исоқов ва бошқалар мамлакатимизда табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш, бу борадаги илмий тадқиқотлар қўламини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умумий миллий бойлик экани, улардан оқилона фойдаланиш зарурлиги белгилаб қўйилган. Мамлакатимизда фойдаланиш қўламини геологик излаш ва қазиб олиш тартибига солувчи меъёрий-ҳуқуқий база яратилган.

Президенти Ислам Каримовнинг 2010 йил 27 августда қабул қилинган «Геология-разведка ишларини ташкил этиш ва олиб бориш тизими самарадорлигини янада ошириш чора-

тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ қазиб олиш, қайта ишлаш ва қурилиш саноати қорхоналарининг минерал хомашё базасини яратиш ҳамда кенгайтириш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Натيجида мамлакатимиздаги фойдали қазилма майдонлари сони ва тури кўпаймоқда.

Мамлакатимизда таълим, фан ва амалиёт интеграциясини кенгайтириш, бу йўналишда халқаро алоқаларни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишхотлар барча соҳалар қатори геология, кимё ва нефть-газ саноатини ҳам изчил ривожлантиришга хизмат қилмоқда, — деди Гидрогеология ва муҳандислик геологияси институти давлат қорхонаси директори вазифасини бажарувчи Ботир Абдуллаев. — Бугунги кунда Ўзбекистонда, айниқса, саноат аҳамиятига эга минерал хомашё базасини ривожлантириш, рудали ҳудудларни тадқиқ қилиш, захираларни аниқлаш ва геология-қидирув ишларига замонавий технологияларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу, ўз навбатида, соҳа мутахассислари масъулиятини янада оширади. Мазкур анжуман хорижий олимларнинг бу борадаги изланишлари, кашфиётлари ва хулосаларини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга.

(Давоми 3-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Мамлакатимиз истиқлолининг 23 йиллик шодиёналари муносабати билан жойларда турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири Жиззах вилоятининг Дўстлик туманида бўлиб ўтди. Вилоят ҳокимлиги, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда таниқли санъаткорлар, ёзувчи ва шоирлар, кенг жамоатчилик вакиллари, ёшлар иштирок этди.

● Наманганда 2014-2015 йиллар куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишларининг боришига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди. Наманган шаҳридаги 570 кўп қаватли уй 1991 йилгача қурилган. Қишга тайёргарлик ва ободонлаштириш дастурида улардан 430 тасида жорий ва 22 тасида мукаммал таъмирлаш ишлари олиб бориш кўзда тутилган. Бугунги кунга қадар 375 кўп қаватли уй-жой мавсумга тайёрлаб қўйилди.

● Қашқадарё вилоятидаги «Лочин» оромгоҳида «Юрт келажаги — 2014» республика иқтидорли ёшлар танловининг финал босқичи бўлиб ўтди. Унда танловнинг қуйи босқичларида голибликни қўлга киритган 606 ўғил-қиз иштирок этди.

● Термиз шаҳрида аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш масаласига бағишланган семинар-тренинг машғулоти ўтказилди. Бундай тадбирлар вилоятнинг Ангор, Жарқўрғон ва Термиз туманларида ҳам бўлиб ўтади.



● 2004 йилда Қизил сайёрага қўнган Американинг НАСА фазовий агентлигига тегишли «Opportunity» қурилмаси Марс бўйлаб босиб ўтилган масофа бўйича рекорд ўрнатди. Ўзиюрар қурилма 2004 йилнинг январь ойида Қизил сайёра устига қўнган вақтидан буён 40 км. масофани босиб ўтди ва аввалги «Лунаход 2» қурилмасига тегишли рекордни янгилади.


● Тунис чўлларида топилган мўъжизавий кўл Гафса шаҳридан 25 километр узоқликда жойлашган. Олимлар ҳозирча унинг қандай ҳосил бўлганини аниқ тушунира олмапти. Тахмин қилинишича, кўл сейсмик фаоллик натижасида пайдо бўлган.



ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!



«ЁШЛИК» ТАЛАБАЛАР ШАҲАРЧАСИ: БАРКАМОЛ АВЛОД КЕЛАЖАГИ ЙЎЛИДА



Таълим

БУГУН ТАЛАБА — ЭРТАГА МУТАХАССИС

Ҳозирги кунда касб-хунар коллежлари битирувчиларининг касбий тайёргарлигини яхшилаш, таълим сифатини ошириш муҳим вазифалардан биридир. Бу борада шаҳарчадаги Тошкент маданият касб-хунар коллежи ҳам самарали ишларни амалга ошираётир.

750 ўқувчи ўрнига мўлжалланган ушбу коллежнинг ўқув хоналари, махсус фанлар учун мўлжалланган ансамбл, оркестр, яқка ижрочилик хоналари, умумтаълим фанларидан кимё, физика, биология лабораториялари, информатика ва компьютер хоналари зарур жиҳозлар билан таъминланган. Бундан ташқари, коллеж спорт зали барча анжомлар билан жиҳозланган. Шунингдек, футбол, баскетбол ва волейбол майдонлари, югуриш, узунликка сакраш йўлаклари ташкил этилди.

Албатта, яратиб берилган қулай шароитлар таълим сифатини оширишда, замонавий мутахассислар етказиб беришда муҳим манбадир.

Тошкент маданият коллежиди жами 309 нафар педагог ва концертмейстерлар ёшларга касб-хунар сирларини ўргатиб келмоқда. Уларнинг 29 нафари бош, 23 нафари етакчи, 44 нафари катта ва 213 нафари мутахассис ўқитувчи тоифасига эга бўлиб, ҳақ ижодиёти, маданий-маърифий ишлар, ахборот кутубхона тизими бўлими ҳамда умумтаълим фанлар, ижтимоий фанлар, тил ва адабиёт, телевидео-операторлик, кутубхонашунослик ва библиография, маданий-маърифий ишлар, оммавий байрамлар режиссёрлиги, миллий рақс, анъанавий ижрочилик, ҳақ чоғулар, фольклор санъати, мусика назарияси, бадий безаш кафедраларида ўқувчилар билимларини оширмоқдалар.

— Бугунги кун ёшларига ҳавас кўзи билан боқамиз, — дейди Тошкент маданият касб-хунар коллежи директорининг маънавий-маърифий ишлари бўйича

ўринбосари Алишер Умрзоқов. — Уларнинг илмга бўлган меҳрини кўзларидан ҳамда сўзлаётган сўзларидан сезиш мумкин. Коллежimizда ёшлар учун турли тўғараклар ҳам ташкил этилган. «Ёш адабиётчилар», «Инглиш клуб», «Комьютер саводхонлиги», «Ёш биологлар», «Футбол», «Волейбол», «Баскетбол», «Стол тенниси», «Шахмат-шашка», «Наққошлик», «Ёш фотоижодкорлар», «Қизлар гулшани», «Нафосат», «Ораста қизлар» тўғараклари шулар жумласидандир.

Коллеж битирувчиларини ўз мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштириш, келгусида уларнинг бандлигини таъминлаш масаласида кенг қамровли ишлар йўлга қўйилган. Битирувчиларнинг барчаси коллежда фаолият олиб бораётган педагоглар ва концертмейстерларга бириктириб қўйилган бўлиб, уларнинг нафақат бандлигини таъминлаш, балки дарсларга қатнашиш давомати, фанларни ўзлаштириш, битирув ҳамда ишлаб чиқариш амалиёти ишларига раҳбарлик қилиш ишлари ушбу педагог-концертмейстерлар зиммасига юклатилган.

2013-2014 ўқув йилида жами 329 нафар битирувчи коллежни тамомлаган бўлса, улардан 22 нафари турли Халқаро ва Республика миқёсидаги танловлар ғолиблари сифатида имтиёзли тарзда ўз мутахассисликлари бўйича олий таълим муассасаларига қабул қилинди.

Қулай замонавий шарт-шароитлар ўқувчиларнинг мустақил фикрлашида, тафаккур доирасининг кенгайишида, илмга бўлган қизиқишининг кучайишида катта аҳамият касб этиши, шубҳасиз.

Талабалар шаҳарчасида жойлашган маҳаллаларни, тарбия ўчоғи, миллий урф-одат, анъаналар шакланган маскан десак, хато қилмаган бўламиз.

АНЪАНАЛАР МАРКАЗИ

Шаҳарчадаги «Зиё» маҳалласида ободлик, кўкаламзорлаштириш, бунёдкорлик ишлари қизғин паллага кирган. Нур тарафидан маъносига эга ушбу йўлга 2003 йилда ташкил топган бўлиб, унда 6108 нафар аҳоли бир оила фарзандларидек, ўзаро ҳурмат-иззатда, тинч-тотувликда истиқомат қилмоқда.

Ёшлар билан мунтазам иш олиб бориб, уларнинг келажаги учун яратилган шароитлардан оқилона фойдаланиш, уларнинг онгига бунёдкорлик ғояларини синдириш, ватанпарвар ҳамда ўз устиди мукаммал ишлаш оладини ўғил-қизларни воёга етказиш бизнинг асосий вазифаларимиздан биридир, — дейди «Зиё» маҳалласи фуқаролар йўли раиси Нилуфар Закирова.

Келажак ёшларнинг кўлида. Шундан келиб чиққан ҳолда маҳалла ҳудудида ёш оилаларнинг фарзандлари учун етти та бола-лар майдончаси бунёд этилди. Хар шанба кун хашар ташкил

қилинади. Шунингдек, пиру бадавлат қариялар ҳолидан хабар олиниб, кўнгиллари хушнуд этилади. Бундан ташқари маҳалла-мизда истиқомат қилаётган 16 та кам таъминланган оилаларга ҳар бир байрамда ҳомийлик кўмағи кўрсатилади.

Халқимизда «Битта болага етти қўшни ота-она» деган мақол бежизга айтилмаган. Бугунги кунда ўсиб келаётган ёш авлод бандлигини таъминлаш ҳам катта эътибор қаратишмоқда. Шу боис, жорий йилда касб-хунар коллежлари битирувчиларидан 24 нафар маҳалладошимиз иш билан таъминланди.

Дарҳақиқат, «Зиё» маҳалласида янги таъмирдан чиқариб янада чирой очган биноларни курсангиз баҳри-дилнинг очилади. Ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларини мақсад қилган маҳалладоғилар 300 туп меваги дарахт, 100 та арча, бир йиллик гул кўчатларини парвариш қилмоқдалар.

лаш борасида турли чора-тадбирларни амалга ошириб келмоқда.

Шаҳарча ҳудудида жойлашган умумтаълим мактабларида тахсил олаётган ўқувчилар ўртасида турли мавзуларда ўтказилаётган давра суҳбатлари, семинар-тренинглари, кўрик-танловлар ижобий натижалар бермоқда. Соғлом бола йили муносабати билан шаҳарча ҳудудида жойлашган умумтаълим мактабларида тахсил олувчи ўқувчи-ёшлар иштирокида «Биз буюк юртнинг баркамол ёшларимиз!» лойиҳаси доирасида

«Ўзбекистоннинг соғлом фарзандларимиз!» мавзусида расмлар кўрик-танлови бўлиб ўтди. Олмазор тиббиёт коллежи билан ҳамкорликда «Дилбар қизлар беллашуви» мавзусида ўқувчи-қизлар ўртасида кўрик-танлов ўтказилди.

Тошкент Тиббиёт академиясига қарашли талабалар турар жойларида истиқомат қилувчи талаба-қизлар ўртасида волейбол мусобақаси ташкил этилди.

Саҳифа материалларини Ҳабиба ЙЎЛДОШЕВА тайёрлаган
Ислом Исмоилов олган суратлар

ЎЗБЕКИСТОН — ХИТОЙ:

СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИНГ ЯНГИ ҚИРРАЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон ва Хитой стратегик шериклиги янада ривожлантириш, шу жумладан, ўзаро фойда, манфаатларни ҳисобга олиш ва тенг ҳуқуқлилик тамойиллари асосида кўп қиррали савдо-иқтисодий, сармоявий ва молиявий ҳамкорлиқни кенгайтиришга устувор аҳамият қаратапти.

Икки мамлакат ўртасида ўта қулай алоқалар муҳити ҳужм сурмоқда. Фаол муносабатлар ва имзоланган ҳужжатлар ўзаро товар айирбошлашнинг оғишмай ўсиб боришига кўмаклашмоқда, унинг ҳажми 2013 йили 5,2 миллиард АҚШ долларидан ортди. Жорий йилнинг биринчи ярмида ушбу кўрсаткич 2,6 миллиард АҚШ долларидан ошди.

Сармоявий ҳамкорлик йил сайин кенгайиб бораётгани баробарида, Ўзбекистонда юқори технологиялар соҳасидаги қўшма лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этаётган Хитой компанияларининг сони ҳам тобора кўпаймоқда. Бугунги кунда республикада хитойлик сармоядорлар иштирокидаги 482 та корхона фаолият юритмоқда. Уларнинг 78 таси юз фоиз Хитой сармояси асосида ташкил этилган. Бундан ташқари, Ўзбекистонда ушбу мамлакатнинг 74 та компанияси ваколатхоналари аккредитациядан ўтган.

Бугунги кунда «Жиззах» махсус индустриал зонасида Хитойнинг «Хуавей» «ЗТЕ», «Веньчжоу Цзиншэн», «Ханчжоу Жонгву Электроник Метерс» сингари етакчи компаниялари билан ҳамкорликда телекоммуникациялар, машинасозлик, энергетика ва қурилиш моллари жабжаларида умумий қиймати 30 миллион АҚШ долларидан ортди 10 дан зиёд сармоявий лойиҳа ҳаётга татбиқ қилинмоқда.

Энергетика йўналишидаги сермахсул алоқалар қўла-ми ҳам кенгайиб бормоқда. Ҳозирги вақтда Хитой миллий нефть ва газ корпорацияси Ўзбекистоннинг нефть ҳамда газга бой ҳудудларида геология-қидирув ишларини олиб бориш, ХХРга узоқ муддатли табиий газ етказиб бериш бўйича барқарор транзит йўлигини шакллантиришга қаратилган «Ўзбекистон — Хитой» газ қувурининг учинчи тармоғини қуриш борасида қатор лойиҳаларни амалга ошираётир. Гуандун ядро-энергетика корпорацияси билан ҳамкорликда эса Навоий вилоятида уран ва ванадийни алоҳида ажратиш олиш технологиясини жорий этиш орқали истиқболли уран конлари устиди иш олиб боришмоқда.

Молиявий ресурсларни ўзлаштириш жараёни ҳам муваффақиятли равишда изчил ривожланмоқда. Хитой ҳукумати, шу жумладан, Хитой давлат тараққиёт банки ва ХХР Эксимбанкининг кредитлари асосида Ўзбекистонда нефть ва газ, телекоммуникация, соғлиқни сақлаш, мелiorация техникасини етказиб бериш, ахборот-коммуникация технологиялари жабжалари ҳамда ижтимоий соҳада қатор устувор лойиҳалар ҳаётга татбиқ қилинмоқда. 1991 — 2013 йиллар мобайнида ХХР ҳукумати томонидан Ўзбекистонга салмоқли миқдорда грант маблағлари ажратилиб, турли соҳаларда ижтимоий жиҳатдан муҳим лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилди.

2013 йил сентябрь ойида Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда ХХР Тижорат вазирлиги ўртасида 2013/2014 йилларда умумий қиймати 271 миллион АҚШ долларига тенг техникавий ёрдам лойиҳаларини амалга оширишда икки томонлама ҳамкорлик тўғрисидаги Меморандумнинг имзоланиши мазкур йўналишдаги ишларга тизимли хусусият бағишлади. Ўзбекистон Тиланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳамда Хитой давлат тараққиёт банки ўртасидаги умумий қиймати 8 миллиард АҚШ долларидан ортди сармоявий лойиҳаларни молиялаштириш бўйича ҳамкорлик ҳақидаги битим ҳам иқтисодийнинг турли жабжаларида юқори технологияга асосланган ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш юзасидан устувор лойиҳаларни амалга ошириш учун кенг имкониятлар яратди.

Маданий-гуманитар алоқалар икки мамлакатнинг янада яқинлашишига кўмаклашаётган муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Бу борадаги алоқаларнинг чуқурлашишида 1998 йили ташкил этилган «Ўзбекистон — Хитой» дўстлик жамияти ҳамда 2007 йили тузилган «ХХР — Марказий Осиё мамлакатлари» дўстлик жамияти алоҳида аҳамият касб этмоқда. 2013 йил май ойида Шанхай университетини ҳузурдаги ШХТ Жамоат дипломатия-сини илмий тадқиқот институти негизида Ўзбекистон тадқиқотлари ва маърифий алмашувлар маркази очилди. Марказ мутахассислари юртимизнинг ички ва ташқи сиёсатини чуқур ўрганиш билан шугулланишди.

Маданий йўналишдаги ўзаро ҳамкорлик Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда ХХР Маданият вазирлиги ўртасида 2014 — 2017 йилларга мўлжалланган маданий алмашинувлар дастури асосида олиб боришмоқда. Хитойда ўзбек халқининг маънавий қадриятлари ҳамда бетакор тарихий меросига катта ҳурмат билан қарашди. Ушбу мамлакатда мунтазам равишда ўтказиб келинаётган турли йиллик тадбирлар Хитой жамоатчилиги Ўзбекистоннинг би маданияти, тарихи ва санъати билан яқиндан танишиши учун қулай имкониятни яратмоқда.

Таълим соҳасида давлат ва идораларо даражадаги, шу жумладан, ўзбек ҳамда хитой тилларини ўрганиш бўйича талабалар ва амалиётчилар алмашинуви қўла-ми кенгайиб бормоқда. Юртимизда Тошкент давлат шарқ-шунослик институти, Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳамда Самарқанд давлат университети сингари ўқув муассасаларида хитойшунос мутахассислар тайёрланаётгани ҳам қувонарлиқдир.

2005 йили Тошкентда очилган Конфуций институтида ҳар йили 350 нафардан зиёд тингловчи тахсил олади. Ушбу институт ташкил этилганидан буён бу ерда 2,5 минг нафардан ортди ёш мутахассис таълим олди. 2010 йилдан эътиборан ХХР Миллатлар марказий университетида Рус тили ва Марказий Осиё мамлакатлари тиллари факультети тарихига ўзбек тили бўлими асас қилинган. 2013/2014 ўқув йиллари ХХР ҳукумати томонидан икки томонлама қилишув ҳамда ШХТ доирасида 120 нафар ўзбек талабаси ва амалиётчиларига грант ажратилди. ХХР раисининг 2013 йил сентябрь ойида Ўзбекистонга буюрган ташириги чоғида Самарқанд давлат чет тиллар институти ҳузурда Конфуций институти ташкил этишда ҳамкорлик қилиш бўйича Битим имзоланди.

Барча соҳалардаги икки томонлама алоқалар ривожланишининг барқарор ўсиш суратларини ҳисобга олган ҳолда, шунинг билан ишонч билан айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Хитой Халқ Республикасига давлат ташириги мамлакатларининг ўртасидаги ўзаро муносабатлар тарихида муҳим воқеа бўлиши билан бирга, Ўзбекистон — Хитой шериклигининг сифат жиҳатдан янги босқичини бошлаб беради.

«Жаҳон» АА

2003 йилнинг 15 январиди «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида «Қамолот» ЁИХ Етакчилар Кенгаши ўз фаолиятини бошлади.

Бугунги кунда Етакчилар Кенгаши Ҳаракатнинг 5 та йўналишида иш олиб бормоқда. Шунингдек, талабалар шаҳарчасида Ҳаракатнинг 16 та бошланғич ташкилотли фаолият юритиб келмоқда. Бошланғич ташкилотлардаги Ҳаракат аъзоларининг сони бугунги кунга келиб жами 28770 нафарни, жумладан, умумтаълим мактабларида 1280, академик лицейларда 2440 нафар, касб-хунар коллежларида 5176 нафар, олий ўқув юртларида 19874 нафарни ташкил этмоқда.

Ҳаракатнинг ёшларга чинакам суянч ва таянч бўлиши учун шаҳарча Кенгаши ҳаракат дастурига мувофиқ бешта йўналиш бўйича ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёни-

да фаол иштирокини таъминлаш, иқтидорли ёшларнинг ижодий фаоллигини қўллаб-қув-

КАМОЛОТГА ИНТИЛГАН ЁШЛАР

ватлаш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмоний тарбиясини ривожлантириш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ёш авлодни қўллаб-қувватлаш йўналишлари қабилар.

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ёшларни берк кўчага кириб қолишдан асраш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, ўғил-қизларнинг истеъдодини ва иқтидорини қўллаб-қувват-



Мустақиллик йилларида мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини ошириш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Президентимизнинг соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишга доир қатор фармон ва қарорлари, давлат дастурлари асосида олиб борилаётган савий-ҳаракатлар туфайли барча бўғиндаги тиббиёт муассасалари фаолияти замон талаблари даражасида йўлга қўйилмоқда.

ИСТИҚЛОЛ ИМКОНиятлари

Тошкент давлат стоматология институти, Тошкент тиббиёт академияси, Ҳамза тумани ҳокимлиги, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ҳамкорлигида «Соғлом бола йили» Давлат дастури ва Президентимизнинг шу йил 1 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йилгирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори ижроси доирасида ташкил этилган тадбирда шу ҳақда сўз борди.

«Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори остида ташкил этилган анжуманда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, тиббиёт йўналишидаги олий ўқув юртлири профессор-ўқитувчилари, шифокорлар иштирок этди.

Тошкент давлат стоматология институти ректори Н.Ҳабиров ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида жамиятимизда тиббий маданиятни юксалтириш, аҳоли, хусусан, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш ҳамда миллатимиз генофондини мустаҳкамлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Мазкур савий-ҳаракатлар тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ёшларнинг

ўз соғлиғига бўлган масъулиятини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётди. Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 22 июлдаги «Тошкент давлат стоматология институти ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори стоматология соҳасида юқори малакали тиббиёт кадрлари тайёрлашни янада такомиллаштириш, таълим сифатини ошириш, мутахассисларнинг назарий билимини амалий кўникмалар билан мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Мамлакатимизда репродуктив саломатлиқни мустаҳкамлаш,

«Соғлом она – соғлом бола» таъминлини рўйбга чиқаришга доир чора-тадбирлар ўз самарасини бермоқда, – дейди Тошкент тиббиёт академияси 3-клиникаси бош шифокори Жасур Ризаев. – Тиббиёт муассасаларида жаҳон стандартларига мос ташхис қўйиш, профилактика ва даволаш технологиялари жорий этилган. Болалар соғлом туғилиб вояга етиши, улғайганидан сўнг жамиятимизда ўзининг муносиб ўрнини топиши учун барча зарур ишлар амалга оширилмоқда.

Санъат усталари, ёш ижрочилар ва бадий жамоалар иштирокидаги концерт дастури иштирокчиларга хуш кайфият бахш этди.

Барно МЕЛИКУЛОВА,
ЎЗА мухбири

Тадбирлар

БОШ МАҚСАДИМИЗ – ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК

Жумладан, кун кеча «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК тизимидаги «Ўзтемирйўлийловчи» ОАЖда «Мамлакат ҳавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш – бош мақсадимиз» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Ушбу тадбирни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад – мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини ошириш, уларни тарбиялашнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш масалаларини кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиш, ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда терроризм ва диний экстремизм ҳақида тушунчалар бериб, огоҳликка қақариш, фуқароларда ҳавфсизлик ҳиссини шакллантириш

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Транспортдаги ИИБ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлимига томонидан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК ва «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК тизимларида «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» деган ғояни ўзида мужассам этган тарғибот-ташвиқот тадбирлари олиб борилмоқда.

каби масалаларни атрофлича муҳокама қилишдан иборат. Тадбир давомида ибратомуз жиҳатларга эга «Тинчлик учун курашмоқ керак» номли ҳужжатли фильмнинг намоиши йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

Давра суҳбати қизгин муҳокамалар тарзида ўтказилиб, катнашчиларни қизиқтирган масалалар бўйича берилган са-

волларга атрофлича жавоб қайтарилди, барчамиз юртимиз тинчлигини кўз қорачигидек асрашимиз лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Суннат ШЕРОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИБ Транспортдаги ИИБ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлимига бошлиғи, подполковник



АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИГА МУҲИМ ЭЪТИБОР

Республика ихтисослашган эндокринология илмий амалий тиббиёт маркази ходимлари аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишга устувор эътибор қаратиб келмоқда.

Марказда тиреоидология, эндокрин жарроҳлиги, диабетология, нейрорендокринология, нейрохирургия, репродуктив эндокринология ва бошқа соҳалар бўйича мутахассислар фаолият кўрсатади. Айни пайтда бу ерда 140 дан ортиқ шифокор ва ҳамшира меҳнат қилмоқда.

СУРАТДА: (чапдан) ҳамшира Латофат Муртазаева, шифокорлар Хуршидахон Носирова ва Гавҳар Жабборова

Аъло Абдуллаев (ЎЗА) олган сурат

хусусиятлардан яна бири намоён бўлади. Нисбатан олиб қаралганда, оилавий муаммолар юзасидан ота-оналар ўз болалари билан деярли фикрлашмайди. Жинсга оид оладиган бўлсак, ота-оналарнинг болаларидан фикр сўраши ўғил болаларга нисбатан қиз болаларда кўпроқни ташкил этади. Уларга нисбатан қизларнинг мавқеълари юқорирак. Бу, албатта, бир томондан, ўсмирларга ҳос максимализм бўлиб, қизларнинг оналари билан эмоционал жиҳатдан яқинлигини кўрсатади. Шунинг учун айнан қизлар оилада бирор низо чиқиб қолса, унга аралашиб, уни тўхтата олишлариға ишонадиган. Ўсмирлар билан муомалада ҳар бир ота-она, катталар, аввало, болаларнинг ёш хусусиятларини инобатга олиб, иложи борича улар билан юмшоқ ва жиддий муносабатда бўлишлари, айрим масалаларда уларнинг ҳам фикрларини сўрашлари, гапларига эътибор билан қулоқ солишлари керак.

Оилавий ўзаро муносабатларда баъзан катталарнинг айби билан содир бўладиган низолар, табиийки, бола томонидан идрок қилинади, англади, маълум бир баҳога (ижобий ва салбий) эга бўлади. Ушбу баҳолар реал вазиятларда салбий ҳулқ шаклида намоён бўлади. Натияжада боланинг оилага, унинг қадриятларига, истиқболда оила қуришга бўладиган интилишларида акс этади. Ана шу барча кўринишлари ҳисобга олган ҳолда оилада ота-онанинг фарзандлар тарбиясидаги ўрнини баҳолашда ҳолислик билан ёндашиш зарур бўлади.

Демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этар эканмиз, баркамол инсонни тарбиялаш, меҳр-мурувват туйғусига бой шахсни вояга етказиш энг устувор вазифалардан бири бўлиб қолади. Бу эса жамиятимизда меҳр-мурувват туйғусини ривожлантиришни тақозо этади. Чунки, меҳр-муруватни шакллантира олган ҳар бир инсон руҳан ва жисмонан соғлом бўлади. Шу жиҳатдан олганда, барча фарзандларимиз қалбда меҳр-мурувват ва раҳмдиллик туйғуларини шакллантириш ва камол топтириш принципиал аҳамиятга эга бўлиб, бу вазифанинг изчил амалга оширилиши ота-она зиммасидадир. Зеро, ота-онанинг бурчларидан энг олийси ана шу маънавий тарбия, қадриятлар орқали юртига содиқ фарзандларни тарбиялаш ва уларда Ватанига, ўз халқига нисбатан фахрлиниш туйғусини уйғотишдир.

Баҳром МАХСИТОВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси ўта оғир жиноятларни тергов қилиш бўлими бошлиғи

Маълумки, ўзбек оиласининг ва оила аъзолари ўртасидаги муносабатларнинг ўзига хос миллий хусусиятлари мавжуд бўлиб, бунда ота-боболардан мерос қолган қадриятлар, урф-одатлар замирида таркиб топган маънавий тарбиянинг асосига суянилади. Болаларнинг руҳан ва жисмонан соғлом ўсишига оила муҳитининг таъсири катта. Оила муҳити болага таъсир кўрсатиш билан бирга, уни ҳаётга мослайди. Жамиятда эса болани руҳан ва жисмонан соғлом қилиб вояга етказиш ота-онанинг нафақат шахсий иши, балки, ижтимоий бурчи ҳамдир.

Шундай экан, ҳар бир ота-онанинг бурч ва вазифасига оилада ҳар томонлама соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, унинг фаровонлигига эришиш билан бирга билимли, ақл-заковатли, руҳан ва маънавий баркамол инсонни вояга етказиш, шунингдек, оила аъзолари, касб-кори, шажарасининг давомийлигини таъминлаш, фарзанднинг бўш вақтини унумли ўтказишга эришиш, гийҳвандлик, ахлоқсизлик, носоғлом эътиқод, ақиданарастлик каби иллатларнинг пайдо бўлишига йўл қўймайлик қиради.

Бизнинг менталитетимизда фарзандлар ота-оналарига ўхшашга ҳаракат қиладилар. Ота-оналар эса ўзлари билиб-билмасдан характер ва хусусиятларини, орзу-хавасларини фарзандларига сингдириб борадилар. Айнан шундай характер хусусиятларидан бири бўлган меҳр-мурувватлилик ота-онадан фарзандларига ўтади. Айниқса, ўсмирлик давридаги болаларга ота-онанинг меҳри, доимий назорати ва дўстона маслаҳати катта аҳамиятга эга. Лекин айрим салбий хусусиятлар болада ота-онанинг тўғри мурувватидан, эркалашидан, эътиборидан маҳрум бўлган шароитларда вужудга келади. Шунинг учун ҳам боланинг ўзини севишларига, ўзига гамжўрлик кўрсатишларига ишонч ҳосил қилиши ота-онанинг муҳим вазифасидир.

Ҳар қандай фарзанд учун, аввало, ота-онанинг меҳрибончилиги, эътибори зарур. Аксарият жиноят йўлига кириб қолган болалар ота-оналарининг ва яқин қариндошларининг меҳрибон эмаслигидан азият чекадилар. Бундан ташқари, улар бекорчилик оқибатида ичкиликбозлик, ўғрилиқ, гийҳвандлик, жиноятчилик қўчаларига кириб кетиши ёки турли жиноий ва диний экстремистик гуруҳларнинг таъсирига тушиб қолиши мумкин. Оилада ўсмир нима билан доимий банд ва қандай ишлар билан шуғулланишини дастлаб ака-сингиллар ёхуд опа-укалар, кейинчалик она сезиб қолади. Лекин оила тарбияси каби катта масъулият биринчи навбатда ота ва она зиммасига тушади.

ФАРЗАНД ТАРБИЯСИ УЧУН БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ

ижобий ва бой бўлиши кўп жиҳатдан оналарга боғлиқ. Юқоридаги фикримизнинг исботи сифатида айрим оилавий келишмовчиликларни келтириб чиқарувчи ота-она билан ўсмир болалар муносабатларидаги миллий хусусиятларни санаб ўтиш мумкин.

Маълумки, ўзбек оиласи болажон бўлиб, биз шунинг учун фақат ўсмир ёшдаги болаларнинг ота ва оналарига муносабатини конкрет вазиятлар билан боғлаш ўринли, деб қуйидаги мисолларни ҳавола қиламиз. Бирор ишни бошлаш ёки бирор ерга боришда ҳам ота-онанинг фикри билан келишиш, улардан ружсат сўраш барча болаларга ҳос, қизларнинг деярли аксарияти ҳам отадан, ҳам онадан бунди сўрашади. Айниқса, ўғил болаларга онанинг фикри, розилиги муҳимроқ. Шуниси характерлики, барча тоифада ҳам отадан кўра онадан кўпроқ изн сўрашнинг ўзига ҳослиги маълум бўлди. Демак, ота-она билан болалар ўртасидаги муносабатларда онанинг етакчи роли болалар фикрида яққолроқ намоён бўладики, бу онанинг оилавий юмушларни бошқариши, уйда кўпроқ бўлиши билан боғлиқдир. Оилавий келишмовчиликлар бирор-бир муаммо асосида келиб чиқишини инобатга олсак, айрим оилавий келишмовчиликларни келтириб чиқариши мумкин бўлган ота-она билан бола муносабатидаги миллий

ГЕОЛОГИЯ СОҲАСИДАГИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бугунги кунда юртимиздаги қарийб барча олий таълим муассасаси ўзига ҳос илмий марказ ҳисобланади. Бу ерда талабалар ва ёш тадқиқотчилар бакалавр ҳамда магистр даражасини олиш билан бирга илмий изланишлар олиб бормоқда. Хусусан, Ўзбекистон Миллий университети олимлари геология соҳасидаги тадқиқотларни амалга оширишда мамлакатимиздаги етакчи илмий-тадқиқот институтилари, саноат корхоналари билан бирга хориждаги нуфузли илм-фан муассасалари билан ҳам ҳамкорлик қилмоқда. Бу йўналишда йилгирмага яқин давлат гранти ва хўжалик шартномалари асосида фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб боришмоқда.

Анжуман иштирокчилари Ўзбекистон минерал хомашё базасини янада кенгайтириш имкониятлари билан таништирилди. Асосий эътибор амалий геология фанининг долзарб масалалари ҳамда фойдали қазилмаларнинг стратегик муҳим турларига эга конларни қидириш ва баҳолашда илмий ва илмий-услубий кузатувлар масалаларига қаратилди. Конференция катнашчиларининг худудий хусусиятга эга бўлган геодинамик, металлогеник, биостратиграфик, тектоник, палеогеографик ва бошқа изланишларнинг натижаларига асосланган илмий-техник маърузаларида жаҳон геология соҳаси ривожининг асосий йўналишлари акс этди.

Қимматбаҳо металллар минерал-хомашё базасини кенгайтириш, фойдали қазилма конларини излаш ва аниқлашда замонавий ёндашувларни жорий этиш илм-фан ва амалиёт олдида турган долзарб вазифалардан биридир, – деди ЎЗА мухбирига «AGT Systems» компанияси президенти Бил Тума (Канада). – Ўзбекистонда истиқлолнинг дастлабки йилларидан амалга ошириб келинаётган иқтисодий стратегия бугун барча соҳалар қатори геология соҳасида ҳам ўз самарасини бермоқда. Мазкур конференция Ўзбекистон ва дунёнинг бошқа мамлакатларида геология соҳасида қўлга киритилётган ютуқлар, фойдали қазилма конларини излаш, ўрганиш ва баҳолаш, ер ости бойликлари геологик ўрганиш, истиқболли гидрогеологик, муҳандис-геологик ва геозеологик изланишларнинг истиқболли йўналишларини аниқлашга хизмат қилади.

Конференцияда мамлакатимиз ва жаҳонда геология ҳамда минерал ресурслар соҳасида олиб борилаётган илмий изланишларга бағишланган маърузалар тингланди. Соҳанинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Анжуманнинг шўба мажлисларида соҳада фан ва амалиёт ҳамкорлигини кенгайтириш, истиқболли режаларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш, хорижий етакчи илмий тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, фойдали қазилма бойликлари стратегик муҳим турларини қидириш, баҳолаш ва разведка қилиш, геология қидирув ишлари самарадорлигини оширишда технологик изланишлар каби қатор масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

Нодира МАНЗУРОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ватанимиз Мустақиллигининг 23 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузуридаги «Ижод» фонди Ёзувчилар уюшмасининг бюрутмаси асосида «Ким эдигу ким бўлди» бадий-публицистик мақолалар тўпламини чоп этиш бўйича босмаҳоналар ўртасида

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
Танловга қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши шарт:

- босмаҳона хизматини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия (руҳсатнома);
- картотека қарздорлиги тўғрисидаги маълумотнома;
- нархларни асословчи смета ҳисобкитоблари;
- танловда иштирок этиш тўғрисидаги ариза (эркин шаклда).

Бюрутмачи манзили: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шох кўчаси, 16 А-уй.

Телефонлар: 239-27-84, 239-27-88, 239-27-93.

Факс: 245-66-95, 245-87-12.



UZTELECOM

ҲУРМАТЛИ МИЖОЗЛАР!

Телекоммуникация тармоқларини такомиллаштириш ва кўрсатилаётган алоқа хизматини яхшилаш мақсадида, жорий йилнинг сентябрь, октябрь ойлари мобайнида ЭАТС 294/297 рақамлари сифимини Ҳамза тумани, Махзуний кўчасидаги (тор кўчалари ва берк кўчаларида) янги ускунага қайта улаш бўйича режали ишлар олиб борилади. Реконструкция ишлари якунланган, телефон рақамларига ўзгаришлар киритилади, шунингдек, қайта улаш вақтида алоқада қисқа муддатли узилишлар бўлиши мумкин, келтириладиган ноқулайликлар учун олдиндан узор сўраймиз.

Маълумот учун телефонлар: 291-21-70, 297-21-70, 297-22-23

«Ўзбектелеком» АКнинг «ТШТ» филиали



Мамлакатимизда аҳолининг мазмунли дам олиши учун барча шарт-шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 декабрда қабул қилинган «2011-2015 йилларда маданият ва истироҳат боғларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори бу борада муҳим аҳамият касб этаётди.

Ушбу ҳужжат асосида маданият ва истироҳат боғларини бошқича-бошқич таъмирлаш, замонавий аттракционлар ўрнатиш юзасидан изчил ишлар амалга оширилмоқда. Президентимиз қарори билан тасдиқланган «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида ўн бешта янги маданият ва истироҳат боғи барпо этиш, йигирма тўққизтасини реконструкция қилиш ва таъмирлаш режалаштирилган. Бундан ташқари, 2015 йил охирига қадар маданият ва истироҳат боғларининг сонини 225 тага етказиш кўзда тутилган. Натижада саккиз мингга яқин янги иш ўрни яратилади ва аҳолига хизмат

кўрсатиш имконияти янада кенгайди.

Қарорга мувофиқ, пойтахтимизда ҳам учта боғ реконструкция қилиниши, учтаси капитал,

муслиқли фавворалар барпо этилган. Йўл ва йўлақлар таъмирланиб, барча қўлайликларга эга болалар майдончалари қурилмоқда. Замонавий ўйин

боғлардаги барча аттракцион ва ўйин қурилмалари санитария ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига, жамоат тартиби талабларига биноан доимий назорат қилиб турилади.

Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғи ҳам қайта таъмирлаш ишларидан

лар ва катталар учун алоҳида-алоҳида дам олиш жойлари ажратилган. Боғдаги спорт мажмуасида баскетбол, футбол, волейбол, теннис билан шугулланиш учун қўлайликлар яратилган. Жорий йилда битта ўйин маркази, замонавий болалар майдончаси ва иккита янги аттракцион болалар ихтиёрига топширилди. Сув ҳавзаси, рақс, кўча цирк учун мўлжалланган майдончалар, амфитеатр, шинам ўриндиқлар дам олувчиларга қўлайлик тўғрисида.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи, «Боғишамол», «Соҳил» маданият ва истироҳат боғларида капитал таъмирлаш, Янги Сергели ва «Оймомо» боғларида капитал реконструкция, Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида жорий таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Буларнинг барчаси шаҳар аҳлига бугунги тинч-осойишта, дорилмон кунларга шўрналик туйғуси билан яшаш, кундалик иш ва ташвишлардан сўнг обод, осуда ва файзли масканларда оила аъзолари билан мароқли ҳордиқ чикаришда зарур шароитларни яратишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

(ЎЗА)

ЭЪЛОН

2014 йил 22 август соат 10:00 дан 13:00 гача Тошкент шаҳридаги «Пойтахт» бизнес-марказининг «Навоий» конференц-залида Ўзбекистон экологик ҳаракати Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмасининг ҳисоб-сайлов конференцияси бўлиб ўтади.

Конференция иштирокчиларини рўйхатга олиш соат 9:00да бошланади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уй, «Пойтахт» бизнес-маркази

Мутахассис маслаҳати

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИГА РИОЯ ҚИЛИНГ

Соғлом турмуш тарзи кенг маъноли тушунча бўлиб, у унумли меҳнат, фаол дам олиш, бадантарбия ва спорт билан шугулланиш, гигиенага риоя қилиш, оқилона овқатланиш, зарарли одатлардан ўзини тийиш, ҳар йили тиббий кўрикдан ўтиб туриш ва шу каби бошқа кўпқаб таркибий қисмлардан иборат. Жамиятнинг ҳар бир аъзоси шуларни ўз турмуш тарзига табиқ этса, соғлом ҳаёт кечиради.

Соғлом турмуш тарзи — бу инсон организми ва у яшаётган муҳит қонуниятларидан келиб чиқиб, саломатлигини сақлаш ҳамда мустаҳкамлашга қаратилган тadbирлардан иборат бўлган турмуш тарзидир.

Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти экспертларининг асосли хулосаларига қараганда тиббий хизмат инсон соғлиқининг 8 фоизини таъминлар экан. Соғлиқнинг 20 фоизи ирсий омилларга, 20 фоизини атроф-муҳитга ва 50-52 фоизи турмуш тарзига, яъни бевосита инсоннинг ўзига боғлиқ экан.

Тиббий кўрикдан ўз вақтида ўтиб туриш касалликларнинг олдини олишда ва уларни барвақт аниқлашда муҳим аҳамиятга эга.

Атроф-муҳит хавфсизлиги аҳоли саломатлигини сақлашнинг асосий омилларидан бири. Тоza ҳаво ва тоza сув — инсон саломатлигини сақлаш, унинг яшashi учун озик-овқат ҳамда бошланганда ҳам муҳимроқ омилдир.

Ирсий ота-оналарнинг ўзига хос белгиларини навабатдаги авлодларга бериш хусусиятидир.

Ирсий омиллар организмнинг ички муҳити билан ўз-ўйи боғланган бўлиб, ирсиятга ташқи муҳитнинг нуқуллай, зарарли омиллари (радиация, экологик нуқуллай шaroит, зарарли одатлар — ичкиликбозлик, гижхандлик) ўзининг салбий таъсирини кўрсатади. Ирсий касалликлар кўйидаги гуруҳларга бўлинади:

Тўғма (ирсий) касалликлар; Ирсий, лекин ташқи муҳитнинг нуқуллай, зарарли омиллар таъсири; Ирсий мойиллик тудайли содир бўладиган касалликлар.

Соғлом турмуш тарзининг асосий йўналишлари кўйидагилардан иборат.

Шахсий гигиена — ҳар бир шахснинг бадан ва тана аъзолари (қўл, оёқ, юз, оғиз бўшлиғи) ҳамда кийим-кечак, оёқ кийим ва шу каби буюмларнинг озодалигини мунтазам равишда таъминлаш билан бўлган гигиеник муоалалардир.

Жисмоний фаоллик ва спорт билан шугулланиш — жисмоний тарбия инсоннинг ривожланиш имкониятларини кенгайтириб, интизом, ирода, уюшқоқлик, меҳнатсеварлик, юксак ақлий эътиқод ва бошқа ижтимоий аҳамиятга молик қимматли фазилатларни шакллантиради.

Организмни чиқитириш — уни нуқуллай иқлим шaroитлари, яъни иссиқ ёки совуқ таъсирига чидамлилигини ошириш тadbирлари йиғиндисидир.

Чарваш — бу организм қисмлари ёки аъзоларининг бирор ишни бажариш жараёнида ўз эҳтиёжларини сарфлаш натижасида иш қобилиятини сусайиб кетишидир.

Узоқ давом этган ақлий меҳнат мияни чарчатаяди ва мия ҳужайралари ҳам тормоқланиб, дам олишга зарурат сезаяди.

Йўқ меъёри 7,5 соатдан кам бўлмаслиги керак. Тўри овқатланиш — овқат рақсонидида кўйидаги озик моддалар: оқсиллар, ёғлар, углеводлар, витаминлар ва минерал моддалар етарли даражада бўлиши керак.

Стресс ва салбий омиллар — барча касалликларнинг сабабчиси. Асабийлашиш ва руҳий зўриқишдан ўзини эҳтиёт қилинг.

Соғлом тана, соғлом ақл, соғлом идрок, соғлом рух ҳар бир инсонда муштарак бўлиши шарт.

Зарарли одатлардан ўзини тийиш асранг!

Соғлом турмуш тарзининг асосий талаблари кўйидагича: оқилона овқатланиш; ҳаракатли турмуш ва бадантарбия; кун ва иш режимида биоритмлик қонуниятлар асосида ташкил қилиш; соғлом оила ва жинсий гигиена; ўзаро муносабатларни яхшилаш; зарарли одатлардан тийилиш; атроф-муҳитнинг тозаллиги; метеорологик омилларнинг зарарли таъсирларидан ҳимояланиш; организм ички тозаллигини таъминлаш; бахтсиз ҳодисалар ва жароҳатланишлардан эҳтиёткорлик; соғлом турмуш тарзи бўйича билим ва малакага эга бўлиш.

Инсон саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш, қолаверса, узоқ умр кўришнинг ягона йўли соғлом турмуш тарзи эканлигини англаб етиш вақти келди. Шунинг эслатиб ўтиш жоизки, соғлом турмуш тарзини яна бир муҳим шарт, бу соғлом турмуш кечирувчи инсон билан дўстлашишдир.

Азизбек НИЗАМОВ,
Тошкент шаҳар саломатлик ва тиббий статистика институти директор ўринбосари

Спорт

ЁШ ТЕННИСЧИЛАР МАКТАБИ

Бугун халқаро майдонларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қаратилган Денис Истомин, Фаррух Дўстов, Тимур Исмоилов, Окгул Омонмуродова, Нигина Абдураимова, Сабина Шарипова, Влада Екшибарова, Гузэл Юсупова каби моҳир ракетка усталарини дунё теннис муҳлисари яхши танийди. Уларга ҳавас қилиб, ушбу спорт сирларини ўрганишга бел боғлаган ўғил-қизларга етарли шaroит ва имконият мавжуд.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 29 апрелдаги қарори билан ташкил этилган Республика олимпия заҳиралари теннис мактаби юқори малакали теннисчиларни тайёрлаш, уларнинг маҳоратини ошириш учун зарур шарт-шaroит яратиш, теннис бўйича мамлакат тарма жамоаси сафини ёш спортчилар билан бойитишга хизмат қилмоқда.

Ушбу мактабда 55 нафар ёш теннисчи 10 нафар халқаро тоифадаги устоз ва мураббий сабоқ беради. Шунингдек, Республика олимпия заҳиралари теннис мактабининг заҳираси

ҳисобланган 100 нафарга яқин бошланғич синф ўқувчисига ҳам доимий эътибор қаратилаётди. Жорий йилнинг 5-15 август кунлари мактабга қабул имтиҳонлари бўлиб ўтди.

— Теннис билан олти ёшимдан шугулланаман, — дейди имтиҳон топширган ўқувчилардан бири Ириса Турсунова. — Бугунги кунгача юртимизда ўтган турли мусобақаларда 12 марта бағлиб қўйиб кўлга киритдим. Максадим — келгусида малакали мураббийлардан сабоқ олиб, жаҳон кортларида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир теннисчи бўлиб етишим.

Теннис мактаби қошида интернат ҳам фаолият кўрсатаётди. Бу ерда юртимизнинг турли ҳудудларидан келган ўқувчилар турар жой, спорт анжомлари, теннис формалари билан таъминланган.

Мактабда халқаро талабаларга жавоб берадиган 20 теннис корти мавжуд. Уларнинг 13 таси резина қопламали, 4 таси қум билан қопланган очик корт, 3 таси эса резина билан қопланган усти

ёпик кортлардир. 2 машғулот зали, ёзги сузиш ҳавзаси, тренажёр зали ўқувчилар ихтиёрида. Қизлар ўртасидаги анъанавий «WTA-Tashkent Open» ва ўғил болалар ўртасидаги «ATP-Tashkent Challenger» мусобақалари айнан мана шу теннис мактаби кортларида ўтказилади.

— Мактабимизга ўқувчилар 5-синфдан қабул қилинади, — дейди ЎЗА муҳбирига теннис мактаби директори Самиг Обидов. — Синов имтиҳонлари жараёнида ўқувчининг билими, жисмоний ҳолати ва кортда қандай ҳаракат қилиши асосий мезонлардан дид.

Теннис мактабидида тажрибали теннисчилар томонидан ёш ўқувчиларга маҳорат сабоқлари ташкил этилади. Бу ўқувчиларнинг теннис сирларини пухта эгаллаш ва тажриба тўплашида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Бугунги кунда Республика олимпия заҳиралари теннис мактаби биттиручилари бўлган Сабина Шарипова, Лайло Баходирова, Тимур Исмоилов, Санжар Файзиев, Гузэл Юсупова каби ёш маҳоратли теннисчилар халқаро миқёсдаги мусобақаларда муносиб қатнашмоқда. Шубҳасиз, имтиҳонларни аъло даражада топшириб, мазкур мактаб ўқувчилари қаторидан жой оладиган ўғил-қизлар орасидан келгусида жаҳон кортларида энг кучли ракеткачилар билан баҳслашишга қодир кўплаб теннисчилар етишиб чиқади.

Жавохир ТОШХҲАЕВ

Жаҳон шахмат олимпиадаси — 2014

ШАХМАТЧИМИЗ МАҲОРАТИ

Норвегиянинг Тромсё шаҳрида давом этаётган жаҳон шахмат олимпиадасининг эркаклар ўртасидаги ўнинчи тур баҳсларида тарма жамоамиз аъзолари голландиялик шахматчилар устидан 2,5:1,5 ҳисобида ғалаба қозониб, 177 давлат вакиллари орасида еттинчи ўринда бормоқда.

Ушбу баҳсда Рустам Қосимжонов Аениш Гири билан, Антон Филиппов Эрвин Ляами билан, Марат Жумаев Лоек Ван Уели билан дуранг ўйнади. Ҳал қилувчи партия 19 ёшли икtidорли шахматчимиз Жаҳонгир Воҳидов ва Робин Ван Кампен ўртасида кечди. Мазкур ўйинда ҳамюртимиз рақибини мот қилиб, тарма жамоамизга зарур бўлган очкони келтирди.

Сўнгги турда шахматчиларимиз мусобақа ҳадвалида саккизинчи поғонада бораётган Хиндистон тарма жамоаси аъзоларига қарши дона суради.

БАЙТМУРОДОВ,
ЎЗА муҳбири

«101»

БАРЧАНИНГ БУРЧИ

Бугунги кунда ўз уйимизни ўзимиз асрашимиз катта аҳамият касб этиб, ҳар бир фуқаронинг огоҳлиги муҳим бўлиб бораётди.

қоидаларига амал қилмаслик ҳолатлари кўпинча аҳоли турар жойларида учрайди. Фуқароларимиз бу каби арзимас туюлган хавфсизлик қоидаларини билишадди, бироқ уларга етарлича эътибор қилишмайди.

Шу ўринда эслатиб ўтиш жоиз, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиб, ён-атрофимиздагиларни олов офатидан асрасак, ўзимиз ҳамда жа-

миятга етadиган зарарнинг олдини олган бўламиз. Азиз ҳамшаҳарлар, уйда, ишонада, жамоат жойларида ёнғин хавфини келтириб чиқариш мумкин бўлган вазиятларнинг олдини олишга ҳаракат қилайлик.

Султон ГАНИЕВ,
12-ХҲО 3-алоҳида пост кичик инспектори, кичик сержант

Тошкент Оқшоми

Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълопнар: 233-28-95
Факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рухсатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида теригди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Буюртма Г- 855

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
6527 нускада босилди.
Қозғоз бичими А-2

Нашр учун масъул
Д. Исроиллов

Топшириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 14.30

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ